



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 18 июль, № 146 (9041)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!

Мамлакатимиз мустақиллигининг 34 йиллигига

ИНКОР ЭТИБ БЎЛМАС ҲАҚИҚАТЛАР

Мустақиллигимизнинг 34 йиллиги муносабати билан ташкил этиладиган тадбирлар “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” деган ҳаётбахш ғоя остида нишонланиши белгиланди ва юртимизда амалга оширилаётган илғор ислохотлар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, байрам тадбирларини кўтаринки руҳда ўтказиш борасида чора-тадбирлар тасдиқланди.

Бу йилги тантаналар “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” деган эзгу ғояни ҳаётга муҳассамлаган ғоявий-бадий концепция асосида бежиз нишонланмаяпти. Чунки ўтган давр мобайнида амалга оширилган ҳар бир ислохот, ўзгариш замирида инсон ва унинг манфаатлари ётибди. Қолаверса, Ўзбекистоннинг дунёга очилгани, яқин кўшнлар билан тарихий ришталарнинг тиклангани, халқаро микёсда илғор ташаббусларни дадил илгари сураётгани ва кўп миллатли халқнинг Президент атрофида бирлашиб, собитқадам илдамлаётгани ҳам мана шу халқ, мана шу Ватан равнақи учундир.

Ҳақиқатан ҳам, шу азиз юрт фуқаролари сифатида ҳар биримизнинг ҳаётимизда, оиламизда, маҳалламизда, меҳнат жамоамизда ёки илмий-иҷодий фаолиятимизда юз берган ўзгаришлардан қувонмаслик, гурулланмасликнинг иложи йўқ.

Айниқса, сўнгги саккиз йилда шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, халқимиз турмуш даражасининг ортиб бораётгани Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари, жўшқин

иш фаолияти, узққни кўра билиши ва халқчил, ижтимоий йўналтирилган сиёсати маҳсулидир.

Ўтган даврда иқтисодиётни либераллаштириш, рақамли иқтисодиётни жорий этиш, ҳусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини кучайтириш, валюта бозорини эркинлаштириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан комплекс ривожлантириш бўйича кенг қўлмал ишлар амалга оширилаётгани инкор этиб бўлмас ҳақиқатлардир. Ёки тадбиркорларнинг ўз бизнесини ривожлантириш учун эркинлик ва янги-янги имкониятларга эга бўлаётгани-ю, деҳқон ва фермерлар, кластер хўжаликлари ўзлари етиштирган ҳосилнинг ҳақиқий эгасига айланаётгани каби ҳолатларнинг санаб адоғига етолмайсиз.

Саккиз-тўққиз йил олдин бошланган бундай хайрли амаллар самараси бугун мамлакатда тадбиркорликнинг равнақ топиб бораётгани, янги-янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилгани, аҳолининг салмоқли қисми шу соҳада меҳнат қилаётганига намоён бўлаётир.



ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИ ЮКСАЛТИРАЁТГАН УЛУҒ НЕЪМАТ

Йилдан-йилга тобора кенгайиб, мустақкам илдиш отаётган ва халқимиз ҳаётининг барча жаҳасида ўз ифодасини топаётган Мустақиллик — бу Ватаннинг фақат сиёсий эмас, маънавий истиклоли ҳамдир. Президентимизнинг яқинда қабул қилган “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори бу неъматга бўлган чуқур эҳтиромнинг, мустақкам тарихий сабоқларнинг ва янги юксалишларга интилишнинг яна бир аққол ифодаси бўлди.

Қарорда алоҳида таъкидланган муҳим жиҳат — бу кўп миллатли ва кўп конфессияли жамиятимиздаги тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳити. Бу сўзлар шунчаки шор эмас, балки юртимиздаги ҳар бир инсоннинг кундалик ҳаёти, ички осойишталиги ва келажака бўлган ишончи учун асосий пойдевордир.

Бугунги кунда юртимизда

130 дан ортқ миллат ва элатлар, 16 та турли конфессия ва ллатли ва кўп конфессияли жамиятимиздаги тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳити. Бу сўзлар шунчаки шор эмас, балки юртимиздаги ҳар бир инсоннинг кундалик ҳаёти, ички осойишталиги ва келажака бўлган ишончи учун асосий пойдевордир.



ҚУТЛУҒ ҚАДАМНИНГ ҲАЁТБАХШ ЗИЁСИ

Нукус шаҳрида яшовчи Азат оға Ниетуллаев икки кун олдин кўнғироқ қилиб қолди. Саломалиқдан сўнг мақсадини айтди:

— Қосшим, (қорақалпоқ тилида ёши катта кишилар ўзидан кичикларга мулоқотда қўлайди) хабаринг бор, газеталарни маҳалла идорасида ўқирдим. Маҳалла кейинги 6 ойга обуна бўлмаган экан. Ўзинг ўқиб борадиган газеталардан менга ҳам келтириб турсанг, янгиликлардан беҳабар қолмай дейман-да, болам! Биласан,

бугун дунё терак учиди қуш уясидай қалқиб турибди. Яқин Шарқдаги қон тўкилишлар, Исроил, Эрон, Фаластинда рўй бераётган воқеаларга бефарқ бўла олмаман. Уларни ўқиб, гоҳида кўзимга ёш келади. У юртлардаги саргардонлик, очлик, танқислик, жудоликлар ҳақида ўқиб, юртимиздаги тинчликка кўз тегмасин дейман. Қўлимни дуога очиб Юртбошимизнинг боши омон бўлсин, элимиздаги фаровон ҳаёт, тўқинлик, бағрикенглик ва осойишталик бардавом бўлсин дейман, ўғлим! Бу билан чекланиб қолмайман, ёшлар ўртасида тинчликнинг қадрига етиш, илм олиш, касб ўрганишни тарғиб қиламан. Ахир бу биз, кексаларнинг вазифаси-ку!

Азат оға ёши улуг бўлса-да, имкон

қадар барча газетани қолдирмай ўқиб боришга одатланган. Бирор кун газета ўқимаса, ниманидир йўқотгандек юради. Ўзи кекса педагог, кўп йил ўқитувчи бўлиб ишлаган. У киши билан 23 йил олдин танишганман ва газетада ёритиладиган мавзулар ҳақида кўп гурунглашамиз. Ҳозирги кунда ҳам телеканалларда ахборот дастурларини кузата туриб ёки матбуотда ўқиётиб бирон ноаниқликни сезса, дарҳол телефон қилиб, саволларга кўмиб ташлайди.

Ишдан сўнг газетанинг охириги сонларини олиб, Азат оғанинг уйига йўл олдим. Йўлакда қурилиш материалларига кўзим тушди. Уйдан чиқиб келаётган оға эшиги олдидаги ўриндиққа ишора қилди.



ДЕПУТАТЛАР ФАРМАЦЕВТИКА ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД ТАКЛИФЛАРНИ ЭШИТДИ



лангиришга хизмат қилади. Баҳс-мунозара, тақлиф ва тавсиялар асосида етилган нормалар эса ижтимоий эҳтиёжларни қондиради. Албатта, бу жараёнда сифат ва халқчиллик жуда муҳим. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ҳаётнинг ўтири талабларига жавоб берадиган, сифатли, амалиётда самарали ишлайдиган қонунларни қабул қилиш Олий Мажлисининг энг муҳим вазифаси, керак бўлса, унинг обрўсидир.

Халқчил ёндашув

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қонун ижодкорлиги фаолияти йўналишида халқчил қонунларни қабул қилишга масъуллиқ билан янгича ёндашиб, ҳужжат лиғхаларини ишлаб чиқиш ва тақомиллаштиришда соҳа вакиллари, мутахассислар, экспертлар билан доимий ва узвий ҳамкорликда ишламоқда.

Шу мақсадда кеча Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзо-

лари “ROMFARM NS” қўшма корхонасида бўлиб, фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи масъуллар, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фармацевтика соҳасини ривожлантириш агентлиги, Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази, Тошкент фармацевтика институти вакиллари иштирокида очик мулоқот ўтказди.

Унда маҳсулот ишлаб чиқариш ва улар билан аҳолини таъминлаш масала-

лари ҳамда тизимдаги мавжуд муаммо ва тақлифлар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 28 январдаги “Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони соҳа ривожига муҳим асос бўлмоқда. Ҳужжатда фармацевтика тармоғидаги ислохотларни янада жадаллаштириш ва аҳолини сифатли дори воситалари билан таъминлаш бўйича қатор вазифалар белгиланган. Маҳаллий фармацевтика корхоналари қувватларини ошириш, соҳага технологиялар трансферини жорий этиш тизимини тақомиллаштириш масаласи ана шулардан биридир.

Учрашувда фармацевтика соҳасига технологиялар трансферини татибқ қилиш механизмлари хусусида фикр билдирилиб, уни амалиётда қўллашда қонунчилигимиздаги айрим бўшлиқлар мавжудлиги айтилди. Депутатлар, фармацевтлар, олим ва мутахассислар бу борадаги қонунчиликни тақомиллаштириш бўйича аниқ тавсияларни билдирди.



ЎЗБЕКИСТОН — МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ЭНГ ХАВФСИЗ ДАВЛАТ

“Numbeo” портали томонидан эълон қилинган жиноятчилик ва хавфсизлик индексларида кўра Ўзбекистон дунёдаги энг хавфсиз 25 та мамлакат қаторидан жой олди.

Айтилишича, юртимиз 73,4 балли хавфсизлик индекси билан 148 та давлат орасида 25-ўринни эгаллади. Яна бир муҳим жиҳати, Ўзбекистон Марказий Осиёдаги энг хавфсиз давлат сифатида эътироф этилди.

Эътироф

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, хавфсизлик индексини ҳисоблашда “Crime Index” (Жиноят кўрсаткичи) ва “Safety Index” (Бехатарлик кўрсаткичи) асосий мезон қилиб олинган.

2024 йилда 71 балл билан 27-ўринда бўлган мамлакатимиз 2025 йилнинг биринчи ярми якунлари бўйича тузилган рейтингда ўз ўрнини 2 поғонага яхшилаган. Қозғонистон 73-ўринда (54,4 балл), Қирғизистон эса 101-ўринда (48 балл) қайд этилган. Туркменистон ва Тожикистон рейтингда қатнашмаган.

Ўзбекистон хавфсизлик даражаси бўйича Чехия, Швейцария, Жанубий Корея, Австрия ва Польша каби давлатларни ортда қолдирди.

Рейтингнинг юқори қисмида Бирлашган Араб Амирликлари, Андорра, Қатар ва Тайван каби мамлакатлар жой эгаллаган бўлиб, улар энг хавфсиз давлатлар рўйхатини бошлаб беради. Энг хавфли давлатлар сифатида Гаити, Папуа-Янги Гвинея, Венесуэла, Афғонистон ва Жанубий Африка Республикаси кўрсатилган.

Санжар ШОМУРОДОВ
(«Халқ сўзи»)

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОХОТЛАРИ Ўзгаришларнинг бекиёс самаралари

Бу йилги Мустақиллик байрами Президентимизнинг шу йил 10 июлдаги қарорига мувофиқ “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” деган эзгу ғояни ўзида муҳассам этган бадий концепция асосида нишонланаётгани бежиз эмас.

Истиқлол йиллари, айниқса, кейинги тўққиз йил мамлакатимиз учун ҳар томонлама юксалиш, тараққиётни янги поғонага кўтариш, энг муҳими, инсонга муносабатни ўзгартириш, уни қадрлаш, қалбига йўл топиш, орзу-умидлари рўёбига қулай шарт-шароитлар яратиш даври бўлди.

Ватан учун, миллат учун, халқ учун чинакам тарихий давр!

Халқ дейдики...

Бу даврда юз берган янгилашлар шаҳар қишлоқларимиз қиёфасида ҳам, одамларимизнинг тафаккури, онгу дунёқарашиди ҳам том маънода ўзгариш ясади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, бугун халқимиз — кечаги халқ эмас. Ўзбекистон ҳам кечаги Ўзбекистон эмас.

Бугун тобора чирой қасб этаётган ҳудудларда юртдошларимиз қайноқ меҳнат жараёнлари билан машғул. Энг чекка қишлоғу овулларда ҳам бўш ўтирган, мақсад-режасиз кўча-кўйда

юрган бирор кишини учратмайсиз. Инсонлар бугунини кечасидан, эртасини бугунидан яхшироқ, ҳаётини тўқисроқ, фароғатлироқ қилиш илинжида тер тўкмоқда. Шу орқали хонадонига барака киритяпти. Жамиятга нафи тегмоқда. Мамлакат тараққиётига баҳоли қудрат хизмат қилмоқда.

Улуғ бобоқалонимиз ҳазрат Алишер Навоий “Эл ғуссасини сингурмагинг мақсуд эт, Бу шева била оқибатинг маҳмуд эт”, деб ёзarkan, инсондаги эл-юрт тақдирига дахлдорлик ҳиссининг ана шу мўъжизавий қудратини алқабган эди.

Сизга тортиқ қилаётган саҳифамиз-

3-саҳифага қаранг.

ИНКОР ЭТИБ БЎЛМАС ҲАҚИҚАТЛАР



Давлатимиз раҳбарининг одилона сиёсати, халқимизнинг бунёдкорлиги эвазига тарих учун қисқа бир даврда барча соҳада, асосийси, одамлар ҳаётида айни ислохотларнинг амалий натижалари намён бўла бошлади. Барча ўзгариш ва янгиланишларнинг марказига инсон ва унинг манфаатлари қўйилди.

Тарихан қисқа даврда мамлакатимиз эришган ютуқлар бизнинг ҳақиқатан ҳам учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишга қодир эканимизни, мана шундай суръат ва қатъият билан ҳаракат қиладиган бўлсак, улуг мақсадларимизга, албатта, етиб боришимизни яққол намён этмоқда. Мустақиллик йилларида аҳоли

ўртасида ва давлат идораларида тadbиркорларга муносабат ўзгарди. Жамиятда уларнинг обрўси ва мавқеи кун сайин ортиб борапти. Чунки мулк ва мулкдорлар, хусусий сектор вакилларининг ҳуқуқ ва манфаатлари қонун йўли билан ҳимоя қилиниши янада мукаммаллашди.

Ана шулардан келиб чиқиб “хусусий мулк дахлсизлиги”, “иқтисодий фаолият эркинлиги” сингари фундаментал демократик тушунчалар ва ҳаётий кўникмалар янги Ўзбекистонда реал воқеликка айланиб борапти деб дадил айта оламиз.

Давлатимиз раҳбари имзолаган “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарор ҳар биримизни 34 йил олдинги тарихга бир бор теран нигоҳ ташлашга, истиқлол масъулиятини чуқурроқ англашга ва юрт тараққиётига янада кўпроқ ҳисса қўшишга чорлайди.

Муножатхон ЙЎЛЧИЕВА,
Ўзбекистон Қасрамони,
Олий Мажлис Сенатининг
Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси.

Семинар

УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА МУЛОҲАЗАЛАР БИЛДИРИЛДИ

Аввал хабар берганимиздек, жойларда “Маҳаллий Кенгашлар фаолиятини намунали ташкил этишнинг устувор йўналишлари: муаммо ва ечимлар” мавзuida ўқув семинарлари уюштирилмоқда.

Бу галги тadbирлар Бухоро вилоятининг Вобкент ҳамда Навоий вилоятининг Қизилтепа туманларида бўлиб ўтди. Хусусан, Вобкент туманидаги тadbирда халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари фаолиятини намунали ташкил этиш мезонлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари, котибият ходимлари ҳамда фаол жамоатчилик вакиллари таништирилди.

Шунингдек, Қизилтепа тумани ҳокимлигида бўлиб ўтган семинар доирасида ташкил этилган сессияларда 15 га яқин мавзуларда маърузалар эшитилди.

Мулоқот давомида депутатлар, котибият ходимлари ва соҳа мутахассислари томонидан маҳаллий Кенгашлар фаолиятини такомиллаштириш, самарадорлигини ошириш, аҳолига яқин бўлишнинг таъминлаш, назорат функцияларини кучайтириш бўйича фикр ва мулоҳазалар билдирилди.

Семинарларда маҳаллий Кенгашлар фаолиятини самарали ташкил этишга доир устувор йўналишлар бўйича таклиф ва тавсиялар билдирилди.

«Халқ сўзи».

ДЕПУТАТЛАР ФАРМАЦЕВТИКА ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД ТАКЛИФЛАРНИ ЭШИТДИ



Ноиба ИНОЯТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати:

— Қонунларни ишлаб чиқиш жараёнида халқимиз билан бамаслаҳат ишлаш, жамоатчилик фикрини тинглаш, мутахассислар хулосаларини ҳисобга олиш ва ҳар бир ҳужжатнинг амалий натижаларини олдиндан аниқлаш муҳим. Бундай ёндашув мавжуд қонунлардаги бўшлиқларни илғаш ҳамда уларни тўлдириб, маромига етказишга хизмат қиладиган асосли таклиф ва ташаббусларни ишлаб чиқишда долзарб аҳамият касб этади.

Шу мақсадда биз, депутатлар “ROMFARM NS” қўшма корхонаси раҳбари: — Депутатлар корхонамиз фаолиятини ўрганиб чиқишди. Ва жараён билан яқиндан танишди. 2020 йилда хориждан инвесторлар топиб фармацевтика соҳасида технологияни трансформация қилиб, янги йўналиш бўйича ишлаб чиқариш корхонаси қурилишини бошлаганимиз. Ҳуқуқий амалиётдаги кичик муаммо, яъни қонунчилик талаблари тўла етишмаётгани бугунги кунда бу бора-

воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқаришга мослаштирилган. Корхонада технологиялар трансферини йўлга қўйиш жараёнини ўргандик. Албатта, бу бўйича хулосаларимиз бор. Шу асосда амалдаги қонунчиликка тегишли қўшимча ва ўзгартаришлар киритиш талаб этилади. Айни вақтда депутатлар ва ташаббускорлар ўртасида ўрганишлар олиб борилапти.

Мурод НОСИРОВ,
«ROMFARM NS» қўшма
корхонаси раҳбари:

— Депутатлар корхонамиз фаолиятини ўрганиб чиқишди. Ва жараён билан яқиндан танишди. 2020 йилда хориждан инвесторлар топиб фармацевтика соҳасида технологияни трансформация қилиб, янги йўналиш бўйича ишлаб чиқариш корхонаси қурилишини бошлаганимиз. Ҳуқуқий амалиётдаги кичик муаммо, яъни қонунчилик талаблари тўла етишмаётгани бугунги кунда бу бора-

даги ишларимизга сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Депутатлар ҳолат билан танишиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирганидан, таклифларимизни эшитганидан хурсандимиз.

Улуғбек УСМОНОВ,
фармацевтика фанлари
доктори:

— Қонунчилик палатаси депутатлари билан мулоқотимиз жуда кизгин ва самарали бўлди.

Сухбат чоғида корхонанинг имкониятлари ҳақида батафсил фикр алмашилди. Биз, олимлар, ушбу йўналишдаги илмий хулосаларимиз билан ўртоқлашдик. Фармацевтика соҳасига технологиялар трансферини қўллаш маҳаллий фармацевтика корхоналари қувватини, тиббий буюмлар импорти ва экспортини оширишга, энг муҳими, аҳоли-мизни сифатли дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлашга хизмат қилади.

ЭКОЛОГ ОЛИМЛАР ҚОНУНЧИЛИККА ДОИР ТАВСИЯЛАР БЕРИШДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси ҳамда Иқлим ўзгариши оқибатларини камайтириш ва “яшил” иқтисодиётга ўтишни тезлаштириш масалалари бўйича комиссия ҳамкорлигида экология соҳасидаги олим ва тадқиқотчилар билан учрашув ўтказилди.

Бундай форматдаги мулоқот, энг аввало, халқчил қонунларни қабул қилишда мутахассислар, соҳа вакиллари ва экспертларнинг таклиф ва тавсияларини кенгроқ эшитиш мақсадига қаратилган.

Қонунчилик палатаси депутатлари, илмий-тадқиқот институтлари, Ботаника ва Зоология институтлари олимлари, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг кизгин баҳси мулоқотнинг ўзига хос руҳини акс эттирди.

Бугунги глобал ривожланиш ва иқлим ўзгаришлари шароитида мамлакатимизда экология ва табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, яшил майдонларни қўлайтириш, аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Соҳага оид қўллаб қўнгилар ва қонуности ҳужжатлари қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Натижада экология, атроф-

муҳитни муҳофаза қилишга бўлган муносабат тубдан ўзгармоқда. Аммо ҳали ечимини қутаётган масалалар, муаммолар ҳам мавжуд. Мулоқотлар айни шу масалалар ечимига қаратилди. Халқ вакиллари барча иштирокчиларнинг фикрларини эшитди.

Дониёр ТУРҒУНОВ,
Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти
директори:

— Бундай формат жуда муҳим ва барчамизнинг муштарак мақсадларимизни ифода этади. Эколог олимлар ҳамжамиятини тузиш, иқлим муаммоларининг олдини олишга оид таклифлар билдирдим.

Экология соҳасидаги қонун-

чиликни такомиллаштиришда олимларнинг изланишлари ва хулосалари кўпроқ эшитилаётгани, албатта, бизни қувонтиради. Учрашувларимиз кўпроқ бўлса, натижа ҳам шунга яраша ўсади.

Шухрат ФАЙЗИЕВ,
Тошкент давлат юридик
университетининг Экология
ҳуқуқи кафедраси
профессори:

— Ҳар қандай жараён, шу жумладан, қонун ижодкорлиги ҳам инновацион ечимларга таянади. Бугунги очик мулоқотда экология соҳасидаги қонунларни яхлит бир ҳужжатда мужассамлаштириш, қонун ҳужжатларида чўлланмишга қарши курашиш нормасини мустаҳкамлаш бўйича таклифларимни бердим. Умуман, мана шундай очик мунозараларда кўтарилган таклифлар қонун лойиҳаларининг ҳуқуқий ва амалий жиҳатдан пухта бўлишига хизмат қилади.

Учрашувда мутахассислар, олимлар томонидан берилган ўндан ортиқ таклифлар қонун ижодкорлиги жараёнларида қўриб чиқилишига келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

КАДРИЯТЛАРИМИЗНИ ЮКСАЛТИРАЁТГАН УЛУҒ НЕЪМАТ



Бу улкан ютуқни, олий неъматни қадрлаш ва уни келажақ авлодларга етказиш ҳар биримизнинг бурчимиз.

2024 йил 25 февралда қабул қилинган қонун билан тасдиқланган Фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепцияси мазкур соҳадаги ишларга мустаҳкам ҳуқуқий асос яратди. Бу ҳужжат фуқароларнинг виждон эркинлигига бўлган ҳуқуқларини кафолатлаш, Ўзбекистоннинг дунёвий давлат эканини амалда таъминлаш, шунингдек, диний соҳадаги давлат сиёсатининг аниқ мақсад ва устувор йўналишларини белгилаб берди.

Айниқса, жорий йил 21 апрелда қабул қилинган “Фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқи кафолатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда диний-маърифий соҳадаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш чора-тadbирлари тўғрисида”ги Президент Фармони ҳам ушбу тарихий жараёнинг мантиқий давоми сифатида баҳолан мумкин.

Ана шу Фармонга асосан диний-маърифий соҳада кенг қамровли янгиланишлар амалга оширилмоқда. Имом Бухорий,

Имом Термизий ва Имом Мо-туридий каби буюк алломалар номидаги халқаро илмий-тадқиқот марказларининг фаолияти, “Етти пир” мактабларини илмий жиҳатдан ўрганишга қаратилаётган эътибор, Баҳоуддин Нақшбанд илмий-тадқиқот марказининг ташкил этилиши — буларнинг барчаси миллатимизга хос маънавий бойликларнинг

сидир. Бундай билимли, бағрикенг, замонавий қарашга эга инсонлар келажақда экстремизм ва радикализмга эмас, тинчлик ва тараққиётга хизмат қилади.

Фармон билан давлат ва дин муносабатларини тартибга солишда шаффоф механизмлар жорий этилди. Масалан, “Ҳаж ва Умра ягона портали” ҳамда

“Мустақиллик бизга ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш ҳуқуқини берди. Аммо бу ҳуқуқ нафақат ривожланишни, балки масъулиятни ҳам талаб қилади. Жамиятимиздаги ҳар бир миллат ва элат, ҳар бир дин вакиллари ўзини шу Ватанинг тўлақонли аъзоси сифатида ҳис этмоғи — истиқлолнинг энг катта галабаси.”

нафақат ичида яшаш, балки уларни дунёга кенг тарғиб этиш учун яратилган шароитлар. Бир мисол. Бухородаги Мир Араб олий мадрасасида ўқувчилар нафақат дин билан шуғулланишга, балки замонавий фанлар, ахборот технологиялари, ҳуқуқ ва иқтисодиёт асосларини ҳам чуқур ўрганмоқда. Бу “Жаҳолатга қарши маърифат” ғоясининг амалий натижа-

мобиль иловалар орқали зиёрат қилиш учун очик, бюрократик тўсиқларсиз хизматлар тақдим этилаётгани замонавий башқарувнинг намунаси бўлди. Бундан ташқари, фуқароларнинг диний эътиқод ва виждон эркинлигини таъминлашга оид қонунлар асосида турли конфессияларга мансуб 200 дан ортиқ ташкилотлар давлат рўйхатидан ўтказилди.

Бу нафақат инсон ҳуқуқлари, балки жамиятдаги ишончли муҳитнинг яратилишига ҳам хизмат қиляпти.

Мустақиллик бизга ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш ҳуқуқини берди. Аммо бу ҳуқуқ нафақат ривожланишни, балки масъулиятни ҳам талаб қилади. Жамиятимиздаги ҳар бир миллат ва элат, ҳар бир дин вакили ўзини шу Ватанинг тўлақонли аъзоси сифатида ҳис этмоғи — истиқлолнинг энг катта галабаси.

Президентимизнинг мазкур қарори ана шу муштарак бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлашга, аҳолининг ҳамжиҳатлиги ва тинчликка бўлган ишончини оширишга хизмат қилади. Бу байрам — фақат тарихий сана эмас, балки келажақда қандай мамлакат қуришимизни кўрсатувчи маёк, аслида.

Давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллиги “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” деган эзгу ғоя асосида нишонланмоқда. Бу шior нафақат байрамнинг асосий ғояси, балки мустақиллик йўлидаги ислохотларимизнинг мазмун-моҳиятини ифодалайди. У халқимизнинг эзгу орзу-умидлари, Ватанга муҳаббати, келажақ учун масъ-

улиятини ўзида мужассам этган илҳом манбаидир.

Тadbирларда мамлакатимиздаги турли миллат ва элат вакилларининг бирдамлиги, ижтимоий бағрикенглик, жамиятда тинчлик ва тотувлиқни асрашга қаратилган ислохотларнинг самаралари, янги Ўзбекистоннинг барқарор келажагини бунёд этишда ҳар бир фуқаронинг муносиб ўрни борлиги ҳақидаги фикрлар асосий урғуни ташкил этади.

Шу тариқа, “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” деган ғоя нафақат байрамнинг шiori, балки бутун миллий тараққиёт стратегиямизнинг маънавий таянчи сифатида жамоат онги ва қалбида мустаҳкам ўрин эгаллаш мақсад қилинади.

Мустақиллик — сўз эркинлиги, виждон эркинлиги, ўз фикри ва эътиқодига эга бўлиш ҳуқуқи. Ушбу ҳуқуқларнинг кафолатлангани, давлат сиёсати даражасида эътироф этилгани ҳар бир фуқаронинг ифтихори бўлиши керак. Зеро, Истиқлол айёми замирида маърифат, зиё, муштарак мақсад, умуминсоний қадриятларга бўлган ҳурмат муассам.

Шаҳноза ХОЛМАҲАМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати.

Тошкент шаҳрида 31 июль куни Хитойнинг энг йирик ва нуфузли Кантон импорт ва экспорт ярмаркасига бағишланган тақдирот семинари ўтказилади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОҲОТЛАРИ

Ўзгаришларнинг беқиёс самаралари

Қалбимиз қуёш нури каби чароғон



Очиғи, хонадонларга қуёш панеллари ўрнатиш бўйича бошланган ислохотлар Оролбўйининг чекка ҳудудларига ҳали-бери етиб келмаса керак, деб хато ўйлаган эканман. Қарангки, бу ташаббус мевасидан Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йилидаёқ баҳраманд бўлдик. Уйимизга 15 апрель куни қуёш панелларини ўрнаттирдик. Ўтган шу қисқа давр ичида ўзимиз ишлатганимиздан ташқари, давлатга 600 минг сўмликдан зиёд электр энергияси сотибмиз!

Тўғри, қуёш панелларини ўрнатиш харажати ҳам кам эмас. Лекин давлатимиз қараб тургани йўқ. Аҳолига ҳар томонлама қўмак берапти. Имтиёзли кредит ажратилапти, солиқ юки пасайтириляпти, ҳатто уни қуришда сарфланадиган молиявий харажатларнинг бир қисми субсидия ажратиш йўли билан қопланмоқда. Масалан, уйимизга қурилган қуёш панели нархининг 7,5 мил-

лион сўми қўмак сифатида ҳисоб-китоб қилинди. Энди буни қуёш панеллари тўлиқ ўрнатилган биргина бизнинг овулимиздаги юзга яқин хонадонлар мисолида бу лойиҳага қанча маблаг ажратилганини ўзингиз ҳисоблаб кўраверинг. Асосийси, бугунги кунда биз истиқомат қилаётган “Қўнғирот” овул фуқаролар йиғини “яшил маҳалла” сифатида этироф этилди.

Буларнинг барчаси давлатимиз раҳбарининг инсон қадрини улуғлаш йўлида олиб бораётган халқчил ислохотлари самараси. Бунинг учун Президентимиздан миннатдоримиз. Қалбимиз қуёш нури каби чароғон, эртанимиз эса бундан-да нурафшон бўлишига ишонамиз.

Сабит ШАУДИРБАЕВ,
“Қўнғирот” овул фуқаролар йиғини фаоли.

Қўнғирот тумани

Юраклардаги акс садо

Давлатимиз раҳбарининг ёшлар билан учрашуви бир умр ёдимдан чиқмаса керак. Учрашувда янграган ҳар бир сўзни жон кулогим билан тингладим. Айниқса, ёшлар томонидан билдирилган фикр ва таклифларга алоҳида эътибор қаратилгани менга манзур бўлди.



Бундай юксак эътибордан деярли ҳеч ким, дейлик, энг орқа қатордаги қатнашчилар ҳам четда қолмади. Билдирилган масала, муаммо, таклиф борки, шу учрашувнинг ўзида ҳал бўлди.

Ушбу учрашувдан сўнг кишлоғимизга қайтган, аввало, бобомни йўқлаб бордим. Таассуротларимни тўлиб-тошиб гапи-

риб бердим. Ўша пайтда бобомнинг юз-кўзидаги қувончни сўз билан ифодалаб бера олмаيمان. Мени бағрига босар экан, “чекка бир қишлоқдаги оддий оилада ўсган ўғил-қизларнинг ҳам шундай катта анжуманда қатнашгани юртимиз ёшларига қаратилган эър эътибордан далолат”, деди.

Бобомнинг бу сўзлари юртимизда биз, ёшларга кўрсатилган эътибор ва ғамхўрликнинг ота-оналар, бобо-бувилар, бутун юртдошларимиз онгу қалбидagi ёрқин акс садоси, десам, муболага бўлмайди.

Зулфакс МИНБОЕВА,
Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактаби битирувчиси.

Сирдарё вилояти

Ишонч ва эркинлик бор жойда юксалиш бўлади

Юртингиздаги меҳмондўстлик, самимият ва асосийси, ишбилармонлар учун яратилган қулайликларни кўриб, инвестиция киритиш учун Ўзбекистонни танлаб адашмаганимизни англадим. Бугун Ўзбекистонда экология ва атроф-муҳит мусавффолигини асраш бўйича инновацион лойиҳа устида иш олиб бораёғимиз.

Яқинда Андижон вилоятида чиқиндиларни қайта ишлаш ва ундан электр энергияси ишлаб чиқаришга қаратилган мазкур лойиҳамизни вилоят ҳокимлигига тақдим этдик. Ушбу лойиҳа биз учун катта аҳамиятга эга. Чунки унга 80 миллион доллар сармоя киритилади. У амалга ошса, камида 150 та янги иш ўрни яратилади. Бу — маҳаллий аҳоли учун барқарор даромад, оилалар учун тўқин рўзгор дегани.

Энг муҳими, ушбу завод йилига минглаб тонна маиший чиқиндиларни қайта ишлаб, табиати тозалашга хизмат қилади. Шу билан бирга, лойиҳа орқали 50 мингдан зиёд аҳоли учун етарли миқдорда электр энергияси ишлаб чиқарилади. Бу эса юртингизда яшовчи ҳар бир фуқаронинг ҳаётини янада энгил, қулай ва даромадли қилишга олиб келади.

Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган



учрашувда лойиҳамиз қўллаб-қувватланди ва уни ҳамкорликда амалга ошириш юзасидан меморандум имзоладик. Тадбиркорлар қўллаб-қувватланаётган, инвесторларга ишонч ва эркинлик берилаётган юртингизда фаолият олиб бориш — мен учун шараф!

Еом Ки ХУН,
«ONU H&C со.LTD» компанияси бош директори.

«Прописка» балосидан қутулдик

...2008 йил, июль. Газетада мусаҳҳиҳ бўлиб ишлаб юрган пайтларим. Оилам билан ижарада яшайман. Энг ёмони — Тошкент шаҳрида “прописка”м йўқ. Ўша маҳаллада Азиз исмли участкавий бор. Ҳар ҳафта маҳалла идорасига қақариб, кимгадир ҳомийлик қилишимни сўрайди. “Барака топкур, ўзим ҳомийга зорман”, дейман ялинганнамо. “Майли, ман билан манави окангга битта грилл опке, етади шу”. “Пулим йўқ”, дейман қуруққина қилиб.



Азиз сўкинади. Мен эса ожизлигимдан, бу савдоларни ҳам ҳеч кимга айтолмаслигимдан ўқинаман.

...2011 йил, ёз ойлари. Раҳматли отам Андижондан Тошкентга буткул кўчиб келди. Ишга кирмоқчи. Менинг уй сотиб олганимга ярим йиллар бўлган. Аммо отамни ўз уйимга на вақтинчалик, на доимий “прописка”га кўя оламан. Рухсат йўқ...

Бу — каминанинг шаҳсий ҳаётидан лавҳалар. Аҳамият бердингиз-

ми, ҳаммасида менинг шахс сифатидаги ҳуқуқларим поймол бўлган. Нега шундай? Чунки давлат бошқаруви ана шунга мослаштирилган эди. Ваҳоланки, “прописка”сиз истаган жойимда яшаш ва ишлаш менинг конституциявий ҳуқуқим эди!

Уйинг бўла туриб “прописка”га киролмаслик, “прописка”нг бўлмагани учун ишга жойлаша олмаслик, ишга киролмаганинг учун мардикорлик ёки майда савдогар бўлиб умрингни елга совирушинг... Жуда аламли эди.

Бу гапларни нега ёздим? 2017 йилдан бери ҳеч биримиз “прописка” каби муаммоларни ҳис қилмай кўйдик. Одамларни камситиб, икки тоифага ажратиб қўйган бу балодан қутулдик. Бунга Президент Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси, инсон қадрини улуғлаш йўлидаги ортага қайтмас ислохотлари тўғрисида эришдик!

Ҳасан ТОШХҲАЕВ,
журналист.

Тошкент шаҳри

Асраб-авайланиб, ривожлантириляётган мерос

Кониғил — юртимиздаги Самарқанд қоғози, кулполчилик, дурадгорлик ва бошқа хунармандчилик анъаналари сақланиб қолган “туризм қишлоғи” саналади. Бугунги кунда туризм соҳаси ривожига эътибор тўғрисида қишлоқ инфратузилмаси яхшиланди, биноларнинг тарихий қиёфаси тикланди. Меҳмон уйлари, овқатланиш шохобчалари фаолияти йўлга қўйилиб, ташриф буюрувчиларнинг табиат қўйнида сайр қилишлари учун Сиёб ариғи атрофида дам олиш масканлари қурилди. Бундан ташқари, зиёрат, агро, саноат, тиббиёт ва бошқа туризм йўналишлари ташкил этилди.



1995 йилдан 2002 йилга қадар ўтказилган синов-тажрибалардан сўнг Самарқанд қоғози яратилиши сир-синаотларини тўла ўзлаштириб, Кониғил қишлоғида “Кониғил-Мерос” қоғоз ишлаб чиқариш хунармандчилиги марказини ташкил этдик. Ҳозирги кунга қадар мазкур марказда “балх тутти” пўстлогидан турли хилдаги Самарқанд қоғозларини ишлаб чиқаряпмиз.

Бу ипак қоғоз ўзининг умрбоқийлиги, силлиқлиги, ҳар икки томонига ҳам ёзиш мумкинлиги, сувда ивимаслиги билан шуҳрат қозongan. Ҳар куни 100 донадан ортиқ турли ҳажм, эчки ва ранглардаги қоғоз тайёрланмоқда. Заътиборлиси, бу қоғоз турли қиймлар, йўл халталари (сумка) учун ҳам яхши хомашё. Бундай махсулотларни ювиб, узoқ вақт ишлатса бўлади.

Ноёб махсулот сифатида Самарқанд қоғози ўзбекистонлик миниатюралар расм ва каллиграфлар учун ҳам жуда қўл келмоқда. Ундан мамлакатимизда ва ҳатто Японияда қадимий ёзма битиклар, нодир асарларни қайта таъмирлашда кенг фойдаланилмоқда.

Асосийси, биз ишлаб чиқараётган Самарқанд қоғози географик кўрсаткич сифатида давлат рўйхатидан ўтказилгани эътиборга моли. Бу — миллий хунармандчилигининг тарихий аҳамияти дунё миқёсида юксалиб бораётганининг ёрқин самарасидир.

Зариф МУХТОРОВ,
Самарқанд туманидаги «Кониғил-Мерос» хунармандчилиги корхонаси раҳбари.



Барака эшиги

Шўрчи туманидаги Хушчекка маҳалласида деярли ҳар бир оила ердан унумли фойдаланади. Биз ҳам бир йилда 3-4 марта ҳосил оламиз. Асосий экинимиз — булғор қалампери. Бу экин хушбўйлиги, кўз қувнатар кўриниши ва серҳосиллиги билан рўзгоримизга барака киритаяпти. Чунки йилнинг қай фасли бўлмасин, томорқамизда доим ҳосил фарқ пишиб туради.

Илгари фақат мавсумга қараб экин экардик. Имтиёзли кредит олгач, иссиқхона қурдик. Иссиқхона дегани, деҳқон учун қишлоқда очилган барака эшиги, ризқ-рўз манбаи экан. Деҳқончиликни танладингми, аввало, ерга меҳр бериш керак. Ер эса соҳибини жавобсиз қолдирмайди. Биз, масалан, аввал ерни жонлантириш учун “Калифорния чувалчанги”дан биоғумус тайёр-

лаймиз. Бу ўғит ҳосилни тез ва баракали қилиб беради.

Экинга булғор қалампирининг “Ведрана” навиини танлаймиз. Бу нав маҳаллий иқлимга, касалликка чидамли, асосийси, ҳосил кўп ва бозорда харидори тайёр. Ҳар доим айтаман: экин қилсангиз, бозорни ҳам ўйланг. Серҳосил, бозориги нави топсангиз, чарчоғингиз пул бўлиб қайтади.

Эзгу дуо ижобати

Бугун юртимизда тиббиёт соҳаси жадал ривожланаёттир. Марказдаги муассасаларни қўя турайлик, ҳатто олис қишлоқларда ҳам аҳолига малакали ёрдам кўрсатиш имконияти юқори. Масалан, биргина ўзим хизмат қилаётган, туман марказидан 17 километр узоқликда жойлашган Шўркўрган қишлоғидаги оилавий поликлиникани олайлик. Бу ерда аҳолининг барча қатлами тиббий назоратга олинган. 16 мингдан зиёд фуқаролар тўлиқ рўйхатга киритилиб, оилаларнинг ҳар бир аъзоси соғлиғи тўғрисида маълумотлар шакллантирилган.



Элликка яқин мутахассислар жам бўлган икки қаватли замонавий масканда 7 нафар тажрибали шифокор, касбига садоқатли ўнлаб ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари меҳнат қиляпти. Касалликларга аниқ ташхис қўйиш, бошланғич даволаш ишлари, ҳатто энгилроқ жарроҳлик амалиётлари ҳам шу жойнинг ўзида бажарилмоқда. Ваҳоланки, бундан етти-саккиз йил аввал қишлоқда биттагина врачлик пункти бўлиб, хизмат даражаси ҳамин-қадар эди. Қишлоқда поликлиника бўлишини эса хаёлга ҳам келтирмаганмиз. Бугун тиббий хизмат аҳолига яқинлашди. Бунинг айталик, туманимиз қишлоқларида ўндан зиёд оилавий поли-

клиника ва шифокорлик пунктлари фаолият кўрсатаётгани ҳам тасдиқлайди. Бошқа жиҳати, ишда сифат ўзгариб, профилактика ишлари кучайтирилди. Илгари бемор шифохонага дардини айтиб келган бўлса, эндиликда биз хонадонларга бораёғимиз.

Халқимиз дуога қўл очганда, аввало, юртга тинчлик, эл-улусга тани сийҳатлик тилайди. Тизимнинг жаҳон андозаларига бўйлашаётгани, аҳоли ўртасида тиббий маданиятнинг мустаҳкамла-наётгани ана шу эзгу дуо ижобати-га йўл очди, албатта.

Ҳафизахон БОЙМИРЗАЕВА,
Наманган туманидаги 15-оилавий поликлиника мудири.

«Аёллар дафтари»дан — тадбиркорликкача

Ночорман, камбағалман, дея ҳаракатсиз ўтириш бугун оқилона иш эмас. Ички туйғуга ишонган, таваккал қилишдан чўчимаган ҳар бир тадбиркорни давлат, албатта, қўллаб-қувватламоқда.

Ўзимдан қиёс, 2023 йилда ижтимоий ҳимояга муҳтож сифатида “аёллар дафтари”га киритилгандим. Ёрдам берамиз, энди сиз давлат эътиборидасиз, дейишди. Бунга кўпма ишонмадим, аммо тез орада менга 33 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит беришди ва бу пулга тикув машинаси, керакли хомашё харид қилдим. “Хунарманд” уюшмасига аъзо бўлдим. Тикувчи кўп бўлса, сенга ким ҳам “заказ” қиларди, дегувчилар ҳам учради. Парво қилмадим, “карвон кўп, ризқи бўлак”, деганларидек, кўп ўтмай ҳамкорлар эшик қокди... Шу орада “Устоз — шоғирд” анъанаси асосида маҳалламиздаги ишсиз хотин-қизларни ёнимга олиб, уларга чеварлик сирларини ўргата бошладим. Буюртмалар кундан-кунга кўпайиб, ишларимиз юришиб кетди. Маҳалламиздаги бўш турган бинони бепул ижарага олиб, тикув машиналаримиз сонини 10 тага етказдик.



Бугун шоғирдларим 200 нафардан ошди, кўрпа, кийим-кечак тайёрлаймиз. Хизматимизга талаб катта, шунга яраша пул топыамиз, рўзгоримиз обод бўляпти. Бу йил баъзи шоғирдларимнинг ўзи алоҳида тикувхона очди. Қўлимизда жило топган нафис кийим-кечакларни қадимий Хивамизга ташриф

буюрган сайёҳлар қимматли совға сифатида харид қилаётгани, мо-момерос қадриятларимиз акс этган ушбу хунармандчилик намуналари дунё бўйлаб тарқалаётганини кўриб, қалбим фаҳрга тўлади.

Мадина ИСКАНДАРОВА,
хунарманд.

Хива шаҳри



— Ўриндиклар янгиланибди, кўча обод ва кўркем бўлибди, ифор таратиб турган гулларни айтмайсизми, дарахтлар ўзгача зийнат бағишлаб турибди, — дедим. — Дуодан сўнг, ўзи ҳам атрофга меҳр билан назар ташлади. Кейин газеталарни варақлашга тушди ва менга миннатдорлик билдирди.

— Ҳа, шундай чиройли кўчаларни кўриб, кексалигим ёдимдан чиқиб кетади, мухбир болам, — деди жилмайиб. — Энди шунга яраша биз ҳам ўйимизни замонавий усулда таъмирлашга киришдик. — Кейин у дарҳол мавзунини ўзгартирди. Менга маъноли қараб, баъзи фикрларини айта бошлади.

— Биласан, телевизордаги хабарларни мунтазам кузатиб бораман, газета — кундалик ҳамроҳим. Лекин мен Қорақалпоғистонда, Нукусда ишлаб чиқариш бу даражада ривожланганидан беҳабар қолибман шекилли. Яқин йилларгача катта йўлнинг нариги томони юлғун ўсиб, шўр босиб ётарди, ҳозир обод манзилга айланибди. Қурилиш моллари бозори қурилганини эшитгандим, лекин унинг кенглиги, маҳсулотларнинг турлари мени ҳайратга солди. Ўтган кун ўғлимга уйни таъмирлаш ҳақида айтганим ёдимга тушиб, қурилиш материаллари нарх-навосини билай-чи, деб бозорга тушдим.

Буни қара, сотувчилар уларни мамлакатимизнинг бошқа вилоятларида ишлаб чиқарилгани билан бирга Қорақалпоғистонда ишлаб чиқарилганини ҳам кўрсатиб ўтати. Цементни сўрадим, ўзимизда ишлаб чиқариладиган икки тури бор экан. “Шпаклёвка”, сувоқ ишлари учун бурчаклар, қурилиш турлари, универсал қурилиш аралашмалари, иссиқлик изоляциялаш материаллари, “пенлопласт”, бўёқ материаллари ва қопламалари, хуллас, ўйимиз таъмири учун зарур бўлган барча материаллар ўзимизда ишлаб чиқарилаётган экан. Замонавий энергия тежамкор қотёллар, ойна ва эшиклар ҳам Нукусдаги корхоналарда тайёрланганини эшитиб, ҳайратим ошди.

Болам, эътирозим шу маънодаки, журналлар бундай янгиликларнинг барчасини ҳам ёритиб улгурмаяпти, назаримда. Ёки

мен айтган қурилиш моллари ишлаб чиқарадиган корхоналар иш бошлагани оддий ҳолга айлангандир...

Отаҳон ҳақ. Зукколигига қойил қолиш керак. Ёши улуг бўлса-да, ёшлардай фикрлайди, ҳамма нарсаси фазму зехни етади. У ўз мулоҳазалари билан биз, журналистларга худди маҳорат дарси ўтаётгандек эди. Азат оға айтганидек, ҳозир энг чекка туманларда ҳам ҳар ҳафта янги корхоналар иш бошлаётганини эшитаман. Яқиндагина Тахтакўпир туманида бир корхонанинг қурилишига тамал тоши қўйилгани ҳақида хабар берилганди. Кеча яна бошқа корхона очилибди.

Азат оға айтганидек, барча янгиликни кенг ёритишга улгурмаяпмиз, назаримда. Аммо бунинг бошқа бир сабаби ҳам бор. Мамлакатимизда ҳар бир ҳудуд тараққиёти учун алоҳида дастурлар ишлаб чиқилган. Ўтган йили Президентимизнинг тadbirkorлар билан очик мулоқоти Тошкентда эмас, Нукус шаҳрида ўтказилди. Ўшанда давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистонга бизнес учун бирорта ҳудудда йўқ имтиёзлар пакети берилганини таъкидлаган эди. Жумладан, сўнгги беш йилда алоҳида Фармон ва қарорлар билан 52 турдаги имтиёз ва энгилликлар берилди. Бундан ташқари, 50 миллиард сўмдан юқори лойиҳалар учун инфратузилма яратиб беришни ҳам давлат ўз зиммасига олган.

— Кўрапсанми, мана нима учун корхоналар кун сайин кўпаймоқда. Бу Қорақалпоғистонда бизнес қилиш учун яратиб берилган қулай шарт-шароитлар, амалга оширилган изчил ислохотлар меваси, десак, муболаға бўлмайди, — дейди отаҳон сўзини давом эттириб. — Мухбир болам, Қорақалпоғистонда катта-кичик раҳбарлар шундай ишлаши керак-да. Шундай ишласа, ўзгариш юз беради, халқ рози бўлади.

Мана, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси Аманбай Оримбаевни олайлик. У халқ орасида кўп юради, деярли ҳар кун туманларда бўлиб, давлат дастурлари доирасидаги белгиланган вазифаларни кенг муҳокама қилиш билан бирга, тadbirkorлар билан ҳам учрашувлар ўтказмоқда. Расмийликдан холи, маъмурий биноларда эмас, корхоналарга бориб, тadbirkor билан очик мулоқотлар қилинмоқда. Шундай бўлгач, давлатимиз раҳбари томонидан амалга оширилаётган ислохотлар халққа етиб боради-да.

Яқиндагина Тахтакўпирда тadbirkorлар билан учрашган бўлса, ундан кейин жанубий туманларда, куни кеча Хўжайли туманида тadbirkorлар билан мулоқотлар ўтказилди.

Жўқорғи Кенгес Раиси биргина Хўжайли туманидаги чарм-пойабзал ишлаб чиқарадиган “DO STLAR SHOES XO’JAYLI”, темирдан турли хил буюмлар тайёрлайдиган “INOSTAL”, қизилмия илдизини қайта ишловчи “EXIMCORP” корхоналари, “FARMS GAFUR GULOM” сутни қайта ишлаш лойиҳалари ҳамда “LIBERTEKS GROUP” масъулияти чекланган ва “Уразимбетов Рахат” оилавий корхонаси фаолияти билан танишиб, тadbirkorлар билан лойиҳаларни янада кенгайтириш юзасидан мулоқотлар қилди.

Бундай самимий учрашувлардан кўнгли ўсади, яхши гоёлар туғилади. Яхши гоё эса зўр сармоя. Шунинг учун тadbirkorликни ривожлантиришда ва аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш йўлида халқ орасига қариш, уларнинг дардини эшитиш бугунги кун талаби. Президентимиз таъбири билан айтганда, тadbirkorнинг ютуғи бу бутун халқимизнинг ютуғидир.

Қишлоққа саноат кириб бормоқда

— Ростини айтсам, Тахтакўпирдаги ўзгаришлар мени жуда қувонтиради, — дейди Азат оға. — Ҳақиқатан ҳам бир пайтлар фақат чорвачиликка ихтисослаштирилган Тахтакўпир туманида бугун саноат жадал ривожланмоқда. Туманда янги-янги корхоналар таъсис этилаётгани замирида давлатимизнинг бекиёс қўллаб-қувватлови борлигини айтиш лозим. Мана биргина мисол. Президентимизнинг 2023 йил 8 августдаги “Қорақалпоғистон Республикасида тadbirkorларга қулай шароитлар яратишга оид қўшимча чора-тadbirkorлар тўғрисида”ги Фармони ижроси доирасида “Тахтакўпир Gold Tekstil Mahsulotlari” масъулияти чекланган жамиятига умумий қиймати 25,4 млн. АҚШ доллари бўлган янги инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун 4,5 гектар ер майдони ажратиб берилди. Тadbirkorлар эса бундай имкониятни қўлдан чиқармасликка ҳаркат қилишмоқда.

Ушбу лойиҳа асосида чекка ҳудудларда ҳам тўқимачилик ва трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг янги қувватлари



ишга туширилди. Корхона томонидан йилига 5 минг тонна калава ип тайёрланиб, йилига 11,1 млрд. сўмлик тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган. Корхона тўлиқ ишга тушиши натижасида 257 та янги иш ўрни очилади.

— Куни кеча газетанда Тахтакўпирдаги Қора ой овулида янги текстиль корхонаси фойдаланишга топширилгани ҳақидаги хабарни ўқиб қолдим. Буни қара, унинг маҳсулотлари Россия ва Қозоғистон давлатларида экспорт қилина бошлабди, қойил-ей, — дейди отаҳон ҳайратини яшира олмай. — Тўғри, шу кунгача Мўйноқда, Бўзатовда амалга оширилган катта бунёдкорлик ишларини фахр билан айтиб юргандик. Яқинда ота юртим — Қўнғиротга бир маърақага боргандим, ҳамманинг оғзида юртимиздаги янги ўзгаришлар, янгиланишлар... Жумладан, Қўнғирот тумани ҳудудида халқаро аҳамиятдаги “А380” Фузор — Бухоро — Нукус — Бейнов автомобиль йўлида цемент-бетон қопламали янги йўл барпо этилганидан туман ахли миннатдор бўлмоқда. Ислохотлардан халқимиз хурсанд.

Айтмоқчи, ўша маърақада Амударёга Қўнғирот билан Бўзатов туманини боғловчи понтон кўприк қурилиб, фойдаланишга топширилганини эшитиб, қувончим ошди. Олдинлари Қўнғиротга бир кун борсак, Нукусга қайтиб, бошқа куни Бўзатов ва Кегейлига йўлга чиқардик. Ўша куни бирийўла Қўнғиротдан янги кўприк орқали Бўзатовга ўтиб, дарёнинг ўнг соҳилидаги яқинларимиз би-

лан ҳам дийдорлашдик. Мана шу-да, халқни рози қилиш йўлидаги амалий ишлар. Буларнинг барчасини, ёзиб улгурмиш, газета саҳифаларига сигдиришнинг имкониятини топиш керак.

Дарвоқе, газетанда бошқа вилоятларда бўлаётган шу каби янгиланишларга оид туркум мақолалар бериб борилаётганди. Барчасини ўқиб боряпман, орада узилиш бўлмасин деб кейинги сонларини сўраётгандим. Агар имкони бўлса, Қорақалпоғистоннинг жанубий туманларидаги янгиланишларини ҳамда Нукус шаҳрида кўз ўнгимизда юз бераётган ўзгаришларни ёритишни таклиф этаман. Халқни рози қилиш йўлидаги амалий ишлар ҳақида кўпроқ ёзиш керак, муҳбир болам. Қорақалпоғистондаги ўзгариш ва янгиланишлар, одамлар қайфияти, орзу-интилишлари газетанда кўпроқ акс эттирилса, нур устига нур бўларди...

Биз “фаол” сўзини кўпроқ ёшларга нисбатан ишлатамиз. 72 ёшга кирган Азат оғани фаол нуроний, десак, адашмаймиз. Унинг фойдали таклиф ва мулоҳазаларини тинглаб, Нукуснинг кейинги йиллардаги ўзгаришлари бир-бир кўз олдимиздан ўта бошлади.

Кундан-кун Нукус ҳам очмоқда чирой...

Йигирманчи аср охирида йирик саноат, илм-фан ва маданият маркази, дўстлик ва биродарлик шахри номини олган Нукус

РЕКЛАМА

ИЛМ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА:

«AGRO IN VITRO» – БАРҚАРОРЛИК ПОЙДЕВОРИ



Инсон ва табиат ўртасидаги уйғунлик — ҳаёт тарзи, иқтисодий барқарорлик таянчи. Бугунги кунда глобал иқлим ўзгаришлари, сув танқислиги ва ноаниқ об-ҳаво кузатилмалари дехқон ва фермерлар олдига янги-янги муаммоларни қўймоқда. Барқарор қишлоқ хўжалиги эса илм ва инновацияларнинг амалиётга жорий этилиши орқали таъминланади. Айнан шу мақсадда Жиззах вилоятининг Галлаорд туманида “Agro In Vitro” инновацион агробιοтехнологик мажмуа ташкил этилди. Ушбу лойиҳа 2023 йил 3 августдаги Президент қарори ижроси доирасида амалга оширилган бўлиб, 2024 йилнинг май ойидан ишга тушган.



Аграр ислохотларда илмий ёндашув

“Agro In Vitro” мажмуаси 20,4 гектар майдонда жойлашган бўлиб, замонавий лаборатория, иссиқхона, кўчатзор ва оналик боғидан иборат. Бу ерда 72 нафар маҳаллий мутахассис, жумладан, фалсафа доктори (PhD) даражасидаги олимлар, биотехнологлар ва лаборантлар фаолият юритмоқда.

Лойиҳа доирасида 2026 йилгача 2 млн., 2027 йилда 5 млн., 2030 йилгача 10 млн. туп кўчат етиштириш кўзда тутилган. Бу мамлакатимиздаги кўчат эҳтиёжининг камида 5 фоизини қоплашга хизмат қилади. Ҳосилдорлик 40 фоизгача ошиши, касаллик ва вируслардан холи бўлиши эса унинг энг катта афзалликларидандир.

Жаҳон тажрибаси ва маҳаллий ечимлар уйғунлиги

“Agro In Vitro” илғор халқаро ҳамкорлик маҳсулидир. “VISCON GROUP” (Нидерландия) томонидан МДҲда ягона бўлган лаборатория ташкил этилган. “Gakon Netafim” (Нидерландия) корхонаси томонидан юқори технологияли иссиқхона қурилган. Италия, Испания ва АҚШнинг етакчи агрофирмалари билан узоқ муддатли ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Навлар турфалиги ва сифат даражаси бу ерда олиб борилаётган ишларга халқаро даражадаги ечим-

лар жорий этилганини кўрсатади: 35 турдаги данакли, 25 хил уруғли, 30 тур манзарали, 11 хил узум ва 18 турдаги резавор мевалар сертификатланган ҳолда кўпайтирилмоқда.

Комплекс имкониятлари — янги салоҳият манбаи

Мажмуада инновацион лаборатория барча босқични ўз ичига олган тўлиқ ишлаб чиқариш занжирига эга: уруғ танлашдан то тайёр кўчатгача. Кўчатлар махсус муҳитда парваришланади, автоматлаштирилган иссиқхоналарда ҳар бир нав учун индивидуал шароит яратилган.

Узум ва мевали дарахтлар бўйича кўргазмалар коллекция ҳам ташкил этилган бўлиб, бу аграр таълим ва илмий фаолият учун амалий майдон ҳисобланади.

Йилда икки марта маҳаллий агроном ва боғбонлар учун бепул малака ошириш курслари ўтказилади.

Инновация асосидаги боғлар — фаровонлик омили

“Agro In Vitro” лойиҳаси — юртимиз агросаноатидаги энг муҳим ислохотлардан бири сифатида аҳамият касб этмоқда. Илм ва табиат уйғунлигида етиштирилаётган кўчатлар нафақат ҳосил, балки барқарорлик, сифат ва экспорт салоҳиятини таъминлайдиган асосий омилдир.

Бундай лойиҳалар орқали Ўзбекистон ўзининг озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш билан бирга, минтақада аграр инновациялар марказига айланиш сари дадил қадам ташламоқда.

Ҳайрулла ХОЛТЎРАЕВ.



